

 ALI 04	Публичная Оферта индивидуального страхования жизни заёмщика	Стр. 1 из 10 От: «14» февраль 2025 г.
--	--	--

Қарз олувчининг ҳаётини суғурталаш бўйича ОММАВИЙ ОФЕРТА

Тошкент шаҳар

14.02.2025 йил

Ушбу Оммавий оферта (кейинги ўринларда "Оферта" деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Истикболли Лойиҳалар Миллий Агентлиги томонидан 2024 йил 14 майда берилган 275206-сонли лицензия асосида фаолият юритувчи "Арех Life Insurance" акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда "Суғурталовчи" деб аталади) томонидан аниқ бир доирада бўлмаган жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда "Суғурта қилдирувчи" деб аталади) интернет ва/ёки ахборот тизимлари орқали суғурта шартномасини (кейинги ўринларда "Суғурта шартномаси" деб аталади) қуйидаги суғурта шартлари асосида тузиш таклифидир. Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчи (тижорат банки) шартнома томонлари ҳисобланади.

Суғурта шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддаси, 369-моддасининг 2-қисми ва 370-моддаси, шунингдек, ҳаёт суғуртаси соҳасининг I, V класслари ва умумий суғурта соҳасининг I классига мувофиқ тузилади ва Мижоз томонидан мазкур Офертада назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширган пайтидан кучга кирази ҳамда бу ҳаракатлар Мижоз томонидан мазкур Офертани ҳеч қандай истиснолар ёки чекловларсиз қабул қилинганини билдиради.

Суғурта шартномаси мазкур Оферта шартлари қабул қилиниб, суғурта мукофоти тўланганидан сўнг тузилган деб ҳисобланади.

Мазкур Оферта шартларига кўра, суғурталанган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинчалик яшовчи хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин, уларнинг соғлиғи ва ҳаёти билан боғлиқ мулкӣ манфаатлари мазкур Офертада суғурта объекти ҳисобланади. Суғурталанган шахслар Суғурта полисида кўрсатилади.

Суғурта қилдирувчи Суғурта шартномасини тузиш вақтида ўзининг ҳуқуқ ва муомола лаёқати билан тасдиқлайди, шунингдек, юклатилган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланади.

Ушбу электрон ҳужжатда "Оферта", "Суғурта шартномаси" ва "Суғурта полиси" деган атамалар бир хил маънони англатади.

1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Агар бирон бир тушунча ёки таърифнинг маъноси қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлардан келиб чиқиб белгиланмаган ва аниқланмаган бўлса, бундай тушунча ёки таъриф ўзининг одатий лексик маъносидан фойдаланилади.

Мазкур Офертада қўлланиладиган асосий тушунчалар ва таърифлар:

Наф олувчи – Суғурта полисида кўрсатилган тижорат банки бўлиб, кредит (қарз) берувчи ва суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта товони тўловини олувчи ҳисобланади.

Географик зона – суғурта даври давомида юз берган суғурта ҳодисаси натижасида суғурталовчининг суғурта тўлови бўйича мажбуриятлари юзага келадиган ҳудуд. Мазкур Оферта доирасидаги географик зона – бутун дунё ҳисобланади.

Суғурта шартномаси – бу келишув бўлиб, унга кўра суғурталовчи шартномада назарда тутилган шартлар, истиснолар ҳамда шартноманинг ажралмас қисми бўлган иловага мувофиқ, суғурталанган шахс билан суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда қуйида кўрсатилган тартиб ва миқдорда наф олувчига суғурта тўловини амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади, шу ўринда суғурта қилдирувчи шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаган бўлиши шарт. Шартнома кредит шартномаси асосида тузилади, унинг шартларининг етарлилиги ва мақбуллиги шартнома бўйича таваккалчилик даражасини белгилашнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Касаллик – Суғурталанган шахснинг соғлиғидаги ҳар қандай аниқланадиган ўзгаришлар.

 ALI 04	Публичная Оферта индивидуального страхования жизни заёмщика	
		Стр. 2 из 10 От: «14» февраль 2025 г.

Суғурталанган шахс – 18 ёшдан катта, аммо суғурта даврининг охирига келиб 79 ёшга етмаган, ҳуқуққа лаёқатли ва мустақил равишда кундалик ҳаёт фаолияти учун зарур ҳаракатларни амалга оширишга қодир жисмоний шахс бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ мол-мулк манфаатлари суғурта объекти ҳисобланади ва у бўйича тузилган суғурта шартномаси. Суғурта шартномаси бўйича суғурталанган шахс фақат суғурта қилдирувчи ҳисобланади.

Суғурталанган шахснинг вакили – Суғурталанган шахснинг вафоти ёки муомалага лаёқатсизлиги ҳолатида, меросхўр ёки суғурта ҳодисасига тегишли маълумот/ҳужжатларни тақдим этишга ваколатли бўлган бошқа жисмоний шахс.

Кредит шартномаси – кредит (қарз) тўғрисидаги ёзма келишув бўлиб, у қарз олувчи (суғурта қилдирувчи) ва тижорат банки (наф олувчи) ўртасида тузилади ва барча қўшимчалар, ўзгартиришлар ва илова қилинган ҳужжатларни ўз ичига олади ҳамда суғурта шартномаси тузиш учун асос бўлади.

Бахтсиз ҳодиса – суғурталанган шахснинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бехосдан, қисқа вақт ичида ташқаридан инсон танасига таъсир этиб шикастловчи, баъзи хасталикка (ногиронликка) ва (ёки) ўлимга олиб келувчи ҳодиса.

Тан жароҳатлар - бу ташки омиллар таъсирида юзага келадиган суғурталанган шахснинг танасининг яхлитлигини жисмоний бузилиши.

Соғлиқнинг бошқа ҳолатларида бузилиши қуйидагича тушунилади:

а) қуйидагилар оқибатидаги жисмоний жароҳатлар: яра, суяк сингани, азо узилгани, куйган, босилган, чиққан, портлаш, чакмоқ уриши ёки электр токи таъсири;

б) кимёвий моддалар (саноат ёки маиший) билан заҳарланиш, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан заҳарланиш ва/ёки заҳарли ва/ёки кучли қуйдирувчи моддалар, буғ ёки газлар билан нафас олиш ёки улар билан алоқада бўлиш натижасида келиб чиққан куйишлар;

в) музлаш, чўкиш, ҳужум қилувчи шахслар ёки ҳайвонлар ҳужуми, куёш уриши, нафас йўлларига бегона жисм тушиши, заҳарли ўсимликлар билан тўсатдан заҳарланиш, шунингдек, транспорт воситалари (авто-, темир йўл, авиа ва ҳ.к.) ҳаракатида ёки уларнинг ҳалокатида, машиналар, механизмлар ва турли хил асбоб-ускуналардан фойдаланиш вақтида олинган жароҳатлар.

Суғурта даври – Суғурта полисида кўрсатилган муддат бўлиб, унда суғурталовчининг суғурта даври давомида ва географик зона доирасида юз берган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш юзасидан мажбуриятлари амал қилади.

Меҳнат қобилиятини йўқотиш - суғурта муддати давомида содир бўлган бахтсиз ҳодиса натижасида Суғурталанган шахсга тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган I гуруҳ ногиронлигини белгилаш. Суғурта шартномаси доирасида I гуруҳ ногиронлигига суғурталанган шахснинг вақтинчалик тўлиқ ва доимий қисман ногиронлик бундан мустасно, доимий меҳнат қобилиятини йўқотиш киради.

Суғурта суммаси - суғурта шартномасида белгиланган ва суғурта шартномаси бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш бўйича суғурталовчининг мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодаловчи пул маблағлари суммаси. Суғурта суммаси миқдори Суғурта шартномаси шартларига мувофиқ белгиланади ва Суғурта полисида кўрсатилади.

Суғурта тўлови - Суғурта шартномасида назарда тутилган ва суғурта муддати давомида юз берган суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда, Суғурта шартномасининг 8-бўлимига мувофиқ Суғурталовчи томонидан Наф олувчига тўланадиган пул маблағлари.

Суғурта мукофоти – Суғурта қилдирувчи суғурталовчига бутун суғурта даври учун бир йўла тўлаши лозим бўлган пул маблағлари.

Суғурта полиси (Полис) – Суғурталовчининг шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўлангандан кейин берилади.

Суғурта ҳодисаси – Суғурта даври муддатида ва географик зонада юз берган ҳодиса бўлиб, унинг юз бериши натижасида суғурталовчининг наф олувчига суғурта тўловини амалга ошириш мажбурияти юзага келиши.

 ALI 04	Публичная Оферта индивидуального страхования жизни заёмщика	
		Стр. 3 из 10 От: «14» февраль 2025 г.

2. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур Оферта суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига суғурта хизматларини сотиш ва кўрсатиш шартларини белгилайдиган электрон ҳужжат ҳисобланади.

2.2. Суғурта шартномаси (суғурта полиси) суғурта қилдирувчи томонидан интернет ва(ёки) ахборот тизимлари орқали тақдим этилган маълумотлар асосида шакллантирилади.

2.3. Суғурта қилдирувчи суғуртани расмийлаштиришда тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади ва шунингдек, суғурта ҳодисаси юз берганда тақдим этилган ҳужжатлар аслларига мувофиқ келмаган тақдирда суғурталовчи суғурта тўловини амалга оширишдан бош тортиш ҳукукига эга.

2.4. Ҳужжатлар маълумотлари автоматик тарзда суғурта шартномаси (суғурта полиси)га киритилади.

2.5. Барча маълумотлар асл ҳужжатларга мувофиқ ҳолда кўрсатилиши лозим.

2.6. Томонлар мазкур Офертанинг шартларига рози бўлиши ва суғурта қилдирувчи томонидан суғурта полисини қабул қилиниши (суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчининг аризада кўрсатилган мобил телефони рақамига СМС хабар орқали полисни кўчириб олиш ҳаволаси юборилади) суғурта шартномаси (суғурта полиси)ни тўғри тартибда тузилганини белгилайди.

2.7. Суғурта шартномаси ва Суғурталовчининг суғурта тўловини амалга ошириш бўйича мажбуриятлари Суғурта полиси расмийлаштирилган сана ва ушбу Офертани қабул қилиш санасидан бошлаб кучга киради, аммо Наф олувчига кредит (қарз) берилган сана ва суғурта мукофоти тўланган санадан аввалроқ амалга оширилмайди. Суғурта шартномаси, агар муддатидан олдин бекор қилинмаган бўлса, Суғурта полисида кўрсатилган якуний санада соат 24:00 да тугайди.

2.8. Кредит шартномасининг амал қилиш муддати узайтирилган тақдирда, Суғурта қилдирувчи томонидан қўшимча суғурта мукофоти тўланган ҳолда Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати ҳам узайтирилиши мумкин.

2.9. Суғурта шартномаси (полислари) учун тўлов Суғурталовчи томонидан қўлланиладиган ахборот тизимлари (онлайн) орқали амалга оширилади.

2.10. Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади:

а) Агар Наф олувчи / Суғурталанган шахс / Суғурталанган шахснинг вакили суғурта ҳодисаси сифатида тан олиш учун нотўғри маълумотлар ва/ёки ҳужжатларни тақдим этган бўлса;

б) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

2.11. Мазкур шартнома қуйидаги ҳолатларда тугатилади:

а) Суғурталовчи мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарганида;

б) Суғурта қилдирувчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажарганида;

в) Суд қарори билан мазкур шартнома ҳақиқий эмас деб топилганида;

г) Суғурта қилдирувчи томонидан ёзма мурожаат қилинганида;

д) Суғурта қилдирувчи 79 ёшга тўлганда;

е) Агар Суғурта муддати давомида Суғурталанган шахсга аввалдан мавжуд бўлган ва Суғурта шартномаси тузилган санада белгиланган пастроқ даражадаги ногиронлик гуруҳидан I гуруҳ ногиронлиги белгилан бўлса;

ж) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

2.12. Кредит шартномаси бўйича Суғурталовчи томонидан мажбуриятларнинг тўлиқ муддатдан олдин бажарилгани ёки қўшимча қўпайтирилган кредит лимити ва/ёки кредитнинг қайта ташкил этилгани натижасида Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурта шартномасининг муддатдан олдин автомат равишда бекор қилиниши ҳолларидан ташқари, ушбу Шартноманинг муддатдан олдин бекор қилиниши Суғурта қилдирувчининг ёзма аризасига асосан амалга оширилиши мумкин, бу ҳолда Суғурталовчи томонидан Суғурта шартномаси бўйича ҳеч қандай тўлов амалга оширилмаган бўлиши шарт. Шунингдек, Кредит шартномаси бўйича Суғурта қилдирувчи томонидан мажбуриятларнинг тўлиқ муддатдан олдин бажарилгани натижасида ушбу Шартноманинг муддатдан олдин автомат равишда бекор қилиниши билан боғлиқ ҳолда маблағларни қайтариш учун Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ёзма мурожаат этиши лозим.

 ALI 04	Публичная Оферта индивидуального страхования жизни заёмщика	
		Стр. 4 из 10 От: «14» февраль 2025 г.

2.13. Суғурта килдирувчи мурожаат қилган тақдирда, суғурта муддатининг тугалланмаган қисмига мутаносиб равишда суғурта мукофотининг бир қисми қайтарилади. Қайтариладиган сумма қуйидаги тартибда ҳисобланади:

Суғурта шартномаси тузилган санадан бошлаб 48 (қирқ саккиз) соат ичида мурожаат қилинган тақдирда, суғурта мукофотининг 100% (юз фоизи) қайтарилади.

Суғурта шартномаси тузилган санадан 48 (қирқ саккиз) соат ўтгандан кейин мурожаат қилинган тақдирда, суғурта мукофотининг 90% (тўқсон фоизи) қайтарилади.

Бу ҳолда суғурта даврининг тугалланмаган қисми деб, ариза олинган санадан кейинги кундан суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврининг сўнгги куни оралиғи ҳисобланади.

2.14. Суғурта килдирувчи томонидан кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни бажаргани сабабли кредит лимити оширилган ёки кредит реструктуризация қилингани туфайли Суғурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинса, Суғурталовчи ўзаро ҳисоб-китобни амалга оширади ва бажарилмаган мажбуриятлар қисмига мутаносиб суғурта мукофотини янги кредит шартномаси бўйича суғурта қопламасига йўналтиради. Бажарилмаган мажбуриятлар қисми, суғурта килдирувчи онлайн ахборот тизимлари орқали кредит олиш учун сўров юборган вақтдаги эски кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар миқдорига тенг деб ҳисобланади.

2.15. Кредит шартномаси ҳар қандай сабабга қўра маълум бир санада тугатилганида, Суғурталовчининг мазкур шартнома бўйича суғурта тўловларини тўлаш мажбуриятлари, кредит шартномаси тугатилган санадан қатъий назар бекор қилинади.

2.16. Агар Суғурта килдирувчи мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳақида талаб қўйган бўлса ва бу Суғурталовчининг шартнома бўйича мажбуриятларини бузганлиги сабабли юз берган бўлса, тўланган суғурта мукофоти Суғурта килдирувчига тўлиқ қайтарилади.

3. СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ

3.1. Мазкур Офертага мувофиқ, суғурта ҳодисаси суғурта даври давомида ва Географик зона доирасида Суғурталанган шахс билан содир бўлган қуйидаги воқеалардан бири ҳисобланади:

а) Суғурталанган шахснинг бахтсиз ҳодиса натижасида меҳнатга лаёқатини доимий равишда тўлиқ йўқотиши (I гуруҳ ногиронлиги), бундан мазкур Офертани 4-бўлимида қайд этилган ҳолатлар мустасно. Ногиронликни тасдиқловчи сана ваколатли орган томонидан тегишли ҳужжат берилиш санаси ҳисобланади;

б) Суғурталанган шахснинг ҳар қандай сабаб билан вафот этиши, бунда мазкур Офертани 4-бўлимида қайд этилган ҳолатлар мустасно.

4. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Мазкур Оферта 3.1-бандида кўрсатилган ҳодисалар суғурта ҳодисалари сифатида тан олинмайди ва улар бўйича тўловлар амалга оширилмайди, агар улар тўғридан-тўғри ёки билвосита қуйидаги ҳодисалар натижасида юзага келган бўлса:

а) ҳарбий ҳаракатлар, машқлар, фуқаролик тартибсизликлари, қўзғолонлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар;

б) ядровий портлаш, радиация ёки радиоактив ифлосланиш, кимёвий ёки бактериологик ифлосланиш таъсири;

в) наркотик, токсик, психотроп моддалар ёки алкоголь истеъмол қилиниши ва уларнинг ҳар қандай асоратлари; шунингдек, агар суғурталанган шахс суғурта ҳодисаси юз берган вақтда алкоголь ва/ёки наркотик, ва/ёки токсик, ва/ёки психотроп моддалар таъсири остида бўлса, агар наркотик ва/ёки психотроп моддалар лицензияга эга шифокор томонидан мавжуд соғлиқ ҳолатига мувофиқ тавсия этилмаган бўлса;

г) суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисасининг юз беришидан манфаатдор бўлган учинчи шахсларнинг ёки суғурта килдирувчининг меросхўрларининг қасддан қилган ҳаракатлари, шунингдек, уларнинг топшириғига биноан суғурта ҳодисасини келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар;

д) суиқасд ёки суиқасдга уриниш оқибатлари, агар бу вақтда Суғурта шартномаси икки йилдан кам бўлса;

 ALI 04	Публичная Оферта индивидуального страхования жизни заёмщика	
		Стр. 5 из 10 От: «14» февраль 2025 г.

е) тергов органлари ёки суд томонидан қасддан ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланган Суғурта қилдирувчининг ҳаракатлари, бундан суғурта қилдирувчининг ўз фуқаролик бурчини бажариши ёки ўз ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, ёки учинчи шахсларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар мустасно;

ж) суғурталанган шахснинг хавфли фаолиятда иштироки: жанг санъатлари, овчилик, экстремал ва профессионал спорт, авиация ва ҳаво спорти;

з) тегишли ҳайдовчилик гувоҳномасисиз транспорт воситасини ва/ёки бошқа механик транспорт воситасини бошқариш, ва/ёки алкоголь, наркотик, токсик ёки психотроп таъсир остида транспорт воситасини ва/ёки бошқа механик транспорт воситасини бошқариш;

и) Суғурталанган шахснинг полиция, флот, армия, ХХК ёки ҳарбий операциялар/машқларда хизмати ёки иштироки;

к) Суғурталанган шахснинг профессионал фаолияти, масалан, портловчи материаллар ва ҳарбий ускуналар, нефть маҳсулотлари, хавфли кимёвий моддалар билан боғлиқ иш.

4.2. Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолатларда ҳам суғурта тўловларидан озод этилади.

4.3. Ҳеч қандай ҳолатда суғурталовчи мазкур Офертада белгиланмаган ёки акс эттирилмаган мажбуриятлар бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Суғурталовчи суғурта полиси бўйича мажбуриятлари кучга киришидан олдин ва унинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин содир бўлган ҳодисалар учун ҳеч қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Суғурталовчи ўз ваколатлари доирасидан ташқарида бўлган ҳодисалар ва вазиятлар натижасида келиб чиққан салбий оқибатлар ва зарарлар, шунингдек учинчи шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жавобгар эмас, жумладан:

Суғурта қилдирувчи вакили томонидан тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг нотўғрилиги, етарли эмаслиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаслиги натижасида қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имкони бўлмаган ҳолатлар ёки мазкур Оферта шартлари ёки ҳужжатларга қўйилган талабларнинг суғурта қилдирувчи томонидан бузилиши;

ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғри расмийлаштирилиши (улардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги);

Суғурта қилдирувчи томонидан алоқа линияларининг ишламаслиги, суғурта қилдирувчи ускуналарининг носозлиги сабабли расмийлаштириш имкони бўлмаган ҳолатлар.

5.2. Томонлар ушбу Оферта ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартиб ва шартларда ўз мажбуриятларини бажармаслик ва/ёки тўғри бажармаслик учун жавобгарликни оладилар.

5.3. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолатларда жавобгарликдан озод этилади, агар бу мажбуриятларни бажармаслик кучли таъсирга (форс-мажор) боғлиқ бўлса. Кучли таъсирга дуч келганда, Томонлар мазкур ҳолатлар юзага келганлиги ва уларнинг давом этиши мумкин бўлган муддати тўғрисида имкони борида тезроқ, лекин бундай ҳолатлар юзага келганидан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай бошқа томонни хабардор қилиш мажбуриятини олади.

5.4. Суд томонидан мазкур Офертани қандайдир бир қондасини ҳақиқий эмас деб топиши, қолган қондаларнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқармайди.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

а) Суғурта шартномаси амал қилиш даврида унинг шартлари бўйича суғурталовчидан маслаҳат олиш;

б) Суғурталовчидан суғурта шартномаси бўйича қабул қилинган мажбуриятларни бажаришни талаб қилиш;

в) Суғурта шартномасини амал қилиш муддатидан олдин тўхтатиш, бу ҳақда суғурталовчини камида 30 (ўттиз) кун олдин ёзма равишда хабардор қилиш;

 ALI 04	Публичная Оферта индивидуального страхования жизни заёмщика	
		Стр. 6 из 10 От: «14» февраль 2025 г.

г) Агар Суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчининг Кредит шартномаси бўйича барча мажбуриятларни муддатидан олдин тўлиқ бажаргани сабабли бекор қилинса, Суғурта қилдирувчи қолган суғурта даври учун суғурта мукофотининг бир қисmini қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бунда, Суғурталовчи томонидан суғурта тўлови амалга оширилмаган бўлиши лозим.

6.2. Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс вакилининг мажбуриятлари:

а) Суғурта шартномасида назарда тутилган микдор ва муддатларда суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаш;

б) Суғурта шартномасини тузиш вақтида шартнома тузиш учун зарур бўлган барча муҳим маълумотларни тақдим этиш;

в) Суғурта шартномаси доирасида суғурта тўловини талаб қилиш ҳуқуқини берувчи ҳодиса юз берганда, Суғурталовчини мазкур ҳодиса ҳақида мазкур Офертани 7.1-бандида кўрсатилган муддат ва тартибда зудлик билан хабардор қилиш;

г) Суғурталовчининг ҳодиса шароитларини ўрганиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни, мазкур Офертани 7.1-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш;

д) Кредит шартномасининг қандайдир сабабларга кўра тўхтатилиши тўғрисида зудлик билан Суғурталовчини хабардор қилиш.

6.3. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

а) Суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи томонидан бажарилмаган мажбуриятларнинг бажарилиши, суғурта тўловини талаб қилганда наф олувчидан талаб қилиш. Суғурта қилдирувчи томонидан ўз вақтида ёки тўлиқ бажарилмаган мажбуриятларнинг оқибатлари хавфи Наф олувчига юкланади;

б) Суғурта шартномасини тузгандан кейин суғурта қилдирувчи суғурталовчига 6.2 (б)-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ёлғон маълумотлар бергани аниқланган тақдирда, суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган оқибатларни қўллашни талаб қилиш;

в) Суғурта ҳодисасини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмаган ҳолатда тўловни рад этиш;

г) Суғурталанган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган ёки суд жараёни бошланган тақдирда, суғурта тўлови ҳақида қарор қабул қилишни тергов ёки суд жараёни тугашигача ёки Суғурталанган шахснинг айбсизлиги аниқлангунигача кечиктириш;

д) Суғурта шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни томонлар келишуви асосида амалга ошириш;

е) Суғурта шартномаси амал қилиш даврида суғурта қилдирувчининг тўлов қобилияти ҳолати (Кредит шартномаси талабларига мувофиқ), Кредит шартномасининг амалдаги бажарилиши ва унга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида наф олувчидан маълумот олишни талаб қилиш.

ж) Суғурта қилдирувчи томонидан тегишли ариза берилган тақдирда, агар Суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчининг Кредит шартномаси бўйича барча мажбуриятларни муддатидан олдин тўлиқ бажариши сабабли бекор қилинган бўлса, қолган суғурта даврига мутаносиб равишда суғурта мукофотининг бир қисми Суғурта қилдирувчига қайтарилади.

6.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

а) Суғурта шартномасида белгиланган муддатларда суғурта қилдирувчига суғурта полисини бериш;

б) Суғурта ҳодисаси юз берганда, суғурта шартномасида белгиланган тартиб ва муддатларда Наф олувчига суғурта тўловини амалга ошириш;

в) Касбий фаолияти натижасида олинган суғурта қилдирувчининг соғлиғи ва мол-мулк ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, Кредит шартномасида келтирилган тижорат шартлари бўйича наф олувчининг маълумотларини ошкор қилмаслик;

г) Ёзма талабига кўра наф олувчига суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси шартларини бажариши ҳақида маълумот тақдим этиш;

д) Суғурта шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уни бекор қилиш нияти ҳақида Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчини ёзма равишда оқилона муддат ичида, лекин 30 (ўттиз) календар кундан кўп бўлмаган муддат ичида хабардор қилиш;

е) Суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш қобилиятига таъсир қилувчи ҳолатлар юзага келганда, шунингдек, суғурта шартномаси бўйича хавф

 ALI 04	Публичная Оферта индивидуального страхования жизни заёмщика	
		Стр. 7 из 10 От: «14» февраль 2025 г.

даражасининг сезиларли даражада ошишига таъсир қилувчи ҳолатлар аниқланганида, наф олувчини хабардор қилиш;

ж) Суғурта қилдирувчи томонидан тегишли ариза берилган тақдирда, агар Кредит шартномаси бўйича барча мажбуриятлар муддатидан олдин тўлиқ бажарилиши сабабли Суғурта шартномаси бекор қилинган ва Суғурталовчи томонидан суғурта тўлови амалга оширилмаган бўлса, тугалланмаган суғурта даври учун суғурта мукофотининг тегишли қисми Суғурта қилдирувчига қайтарилади.

6.5. Наф олувчининг ҳуқуқлари:

а) Суғурта ҳодисаси юз берганда, суғурта шартномаси бўйича суғурталовчидан қабул қилинган мажбуриятларни бажаришни талаб қилиш;

б) Суғурта шартномасига ўзгартиришлар (қўшимчалар) киритишни сўраб суғурталовчига ёзма равишда мурожаат қилиш;

в) Суғурта шартномаси амал қилиш даврида суғурталовчидан суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси шартларини бажариши ҳақида маълумот талаб қилиш;

г) Суғурта шартномаси амал қилиш даврида унинг шартлари бўйича суғурталовчидан маслаҳат олиш;

д) Суғурта шартномасини амал қилиш муддатидан олдин тўхтатиш, бу ҳақда суғурталовчини камида 30 (ўттиз) кун олдин хабардор қилиш.

6.6. Наф олувчининг мажбуриятлари:

а) Суғурта шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажариш;

б) Суғурталовчи билан ахборот алмашинуви жараёнини автоматлаштириш ва Кредит шартномаси тегишли сабабларга кўра тугатилганда, бу ҳақда маълумот узатиш тизимини жорий этиш;

в) Суғурта ҳодисаси белгиларини кўрсатувчи ҳодиса юз берганда, суғурталовчини мазкур ҳодиса ҳақида ҳар қандай имкониятли усулда зудлик билан хабардор қилиш ва кейинчалик ёзма равишда, ушбу Офертани 7.1-бандида кўрсатилган муддат ва тартибда, барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда хабардор қилиш;

г) Суғурталовчи талабига кўра суғурта қилдирувчининг тўлов қобилияти ҳолати (Кредит шартномаси талабларига мувофиқ), Кредит шартномасининг амалдаги бажарилиши ва унга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида маълумот тақдим этиш.

6.7. Суғурта шартномаси наф олувчининг манфаати учун тузилганлиги суғурта қилдирувчини суғурта шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

7. СУГУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

7.1. Суғурталовчининг суғурта тўловини амалга ошириш мажбурияти юзага келиши мумкин бўлган ҳодиса юз берганида, суғурта қилдирувчи ва/ёки наф олувчи/суғурталанган шахс вакили ҳодиса юз берганидан ёки тасдиқловчи ҳужжатларни олганидан бошлаб 30 (ўттиз) календар кун ичида, суғурталовчини ёзма равишда ҳодиса сабаблари ва шароитлари тўғрисида ариза билан хабардор қилиши ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

а) Суғурта даври амал қилиш даврида расмийлаштирилган Кредит шартномасига қўшимча ва ўзгартиришларнинг нусхалари (агар мавжуд бўлса);

б) Меҳнатга лаёқатни тўлиқ йўқотиш билан I гуруҳ ногиронлиги белгилаш тўғрисидаги ТМЭК маълумотномасининг нусхаси, уни берган ташкилот томонидан тасдиқланган ёки ўлим ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси (ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома нусхаси билан биргаликда), шунингдек, ҳодиса шароитлари ва сабаблари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бошқа ҳужжатларнинг нусхалари;

в) Наф олувчи томонидан имзоланган, суғурта қилдирувчининг асосий қарз ва Кредит шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар бўйича тўланмаган қарзи миқдорини кўрсатувчи маълумотноманинг асли;

г) Суғурта ҳодисаси юз берганида ҳужжатлар аслларига мос келмаган маълумотлар/ҳужжатлар нусхалари тақдим этилган ҳолатда, суғурталовчи суғурта тўловини рад этиш ҳуқуқига эга.

 ALI 04	Публичная Оферта индивидуального страхования жизни заёмщика	
		Стр. 8 из 10 От: «14» февраль 2025 г.

7.2. Суғурталовчи зарурат туғилганда суғурта ҳодисаси билан боғлиқ маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа муассаса ва ташкилотлардан сўраш, шунингдек, ҳодиса сабаб ва шароитларини мустақил равишда аниқлаш ҳуқуқига эга.

7.3. Тегишли ҳужжатларни олгандан кейин, суғурталовчи белгиланган тартибда тақдим этилган ҳодисани ўрганади, жумладан, уларни берган ташкилотлардан ҳужжатларнинг тўғрилигини тасдиқлайди, шундан сўнг, юз берган ҳодисанинг суғурта ҳодисаси таърифига мувофиқлиги ҳақида қарор қабул қилади.

7.4. Суғурталовчи 7.1-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этишни талаб қилмасдан суғурта ҳодисасини тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида қарор қабул қилиши мумкин, ёки суғурта ҳодисасининг юз берганлигини аниқлаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни талаб қилиши мумкин. Қарор барча зарур ҳужжатлар, шу жумладан, ҳодиса шароитларини аниқлаш ва/ёки уни суғурта ҳодисаси таърифига мувофиқлигини аниқлаш ва/ёки етказилган зарар миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган қўшимча маълумот (маълумотлар) олинганидан кейин 15 (ўн беш) иш куни ичида, шу жумладан, бошқа ташкилотлардан олинган маълумот асосида қабул қилинади.

7.5. Суғурта ҳодисасига сабаб бўлган фактлар бўйича жиноий иш қўзғатилган ёки суд жараёни бошланган тақдирда, суғурта тўлови ҳақида қарор қабул қилиш тергов ёки суд жараёни тугашигача ёки Суғурталанган шахс ёки Наф олувчининг айбсизлиги аниқлангунигача кечиктирилиши мумкин.

7.6. Суғурта тўловини рад этиш ҳолатида, суғурталовчи наф олувчига мурожаат қилинганидан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай бу ҳақда хабар бериши шарт. Рад этишда унинг сабаблари асосланган тушунтиришлар билан кўрсатилиши керак.

8. СУҒУРТА ТЎЛОВИНИНГ МИҚДОРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

8.1. Суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда, суғурта тўлови миқдори Суғурта қилдирувчи (Суғурталанган шахс)нинг Кредит шартномаси бўйича Наф олувчи олдидаги қарзи асосида аниқланади. Ушбу қарз таркибига асосий қарз (жорий ва муддати ўтган қарздорлик) ҳамда фоизлар (ҳисобланган ва муддати ўтган фоизлар) киритилади. Суғурта тўлови миқдорини аниқлаш учун ҳисобга олинадиган сумма Наф олувчига Суғурталанган шахснинг вафоти ёки I гуруҳ ногиронлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган санада белгиланади. Бунда жарималар, пенялар ва кредитни ёпиш билан боғлиқ бошқа мажбуриятлар ва/ёки тўловлар ҳисобга олинмайди.

8.1.1. Бундан ташқари, агар Суғурталовчи ўлим ёки I гуруҳ ногиронлиги юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатни қабул қилган бўлса, ушбу ҳужжатни расман қабул қилинган санадан кейинги кундан кечиктирмасдан Наф олувчига тақдим этиши шарт (Наф олувчи ушбу ҳужжатни мустақил равишда тақдим этган ҳоллар бундан мустасно).

8.2. Ушбу офертанинг 8.1-бандида назарда тутилган суғурта тўлови миқдори, мазкур Суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта суммасидан ошмаслиги лозим.

8.3. Суғурта тўлови тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг, Суғурталовчи томонидан 3 (уч) иш куни ичида суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилади. Ушбу далолатнома асосида, томонлар томонидан имзолангандан кейин, Суғурталовчи томонидан 5 (беш) иш куни ичида суғурта тўлови амалга ошириш орқали Наф олувчининг ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказилади.

8.4. Суғурта шартномаси амал қилган даврда, Суғурталанган шахс билан боғлиқ бир ёки бир нечта суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда, Суғурталовчи тўлаган умумий суғурта тўловлари миқдори суғурта шартномасида белгиланган суғурта суммасидан ошмайди.

9. СУҒУРТА ДАВРИ

9.1. Суғурта даври бир йилга ёки бир йилдан ортиқ муддатга белгиланиши мумкин.

9.2. Суғурталовчининг суғурта ҳимоясини тақдим этиш бўйича суғурта шартномасини бажариш мажбуриятлари суғурта полисини расмийлаштириш санасидан бошлаб кучга киради ва Суғурта полисининг амал қилиш муддати тугагунига қадар давом этади.

10. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

	Публичная Оферта индивидуального страхования жизни заёмщика	
ALI 04		Стр. 9 из 10 От: «14» февраль 2025 г.

10.1. Мазкур Офертада назарда тутилган ёки унга боғлиқ бўлган масалалар бўйича низо, талаблар ёки қарама-қаршиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

10.2. Низо, қарама-қаршиликлар ёки талабларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имкони бўлмаган ҳолларда, улар мазкур Офертадан келиб чиқиб ёки унга боғлиқ бўлган, жумладан, унинг бажарилиши, бузилиши, тугатилиши ёки ҳақиқий эмаслигига оид масалалар бўйича, Суғурталовчининг жойлашган жойидаги тегишли судда ёки "CONSILIO" масъулияти чекланган жамияти қошидаги Ҳақамлик судида, унинг регламенти ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, яқка тартибдаги Ҳақамлик судяси томонидан суд мажлиси баёни тузилмасдан кўриб чиқилади. Қайси судга мурожаат қилиш ҳукуқи даъвогарда қолади.

11. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1. Суғурта шартномасига барча қўшимча ва ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро розилиги билан ёзма равишда амалга оширилиши лозим.

11.2. Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс суғурта шартномасини тузишда суғурталовчига қуйидагиларга розилик билдиради:

11.2.1. Шахсий маълумотларни қайта ишлаш, шу жумладан, Ф.И.Ш., паспорт ва контакт маълумотлари, ПИНФЛ, СТИР, тиббий сирни ташкил этувчи маълумотлар, мазкур шартноманинг мақсадларига мувофиқ бўлган бошқа маълумотлар, суғурталовчи ва унинг ҳамкорларига тақдим этиладиган ҳужжатлардаги маълумотлар. Маълумотларни қайта ишлашга қуйидагилар киритилади: йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаш (янгилаш, ўзгартириш), фойдаланиш, шахсий белгилардан ажратиш, блоклаш, йўқ қилиш, шунингдек, шартномани бажариш учун шахсий маълумотлар билан бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

11.2.2. Суғурта сирини ташкил этувчи маълумотларни (шу жумладан, суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва наф олувчиларнинг соғлиғининг ҳолати, суғурта суммаси тўғрисидаги маълумотлар) суғурталовчи ва унинг ҳамкорларига тақдим этиш;

11.2.3. Суғурта шартномаси ва бошқа тегишли ҳужжатларда мавжуд маълумотларни Кредит бюросига тақдим этиш.

Мазкур розилик Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуни ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ берилади.

11.3. Томонлар ўз реквизитларини (шу жумладан, манзилларини) ўзгартирган тақдирда, бу ҳақда қисқа муддат ичида ёзма хабарнома юбориш ва Суғурта шартномасига тегишли қўшимча келишувни расмийлаштириш орқали бир-бирларини хабардор қилиш мажбуриятини оладилар. Агар тегишли хабарнома юборилмаса ёки қўшимча келишув тузилмаса, Суғурта шартномаси доирасидаги барча хабарномалар аввалги манзилларга юборилади. Манзил ўзгариши ҳақида маълум қилмаган томон, ушбу ўзгариш натижасида келиб чиқадиган барча таваккалчиликларни ўз зиммасига олади.

11.4. Суғурта шартномасида назарда тутилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик нормаларига мувофиқ тартибга солинади.

11.5. Мазкур Шартноманинг 2.13-банди 01.09.2024 йилдан кейинги расмийлаштирилган суғурта полисларига нисбатан татбиқ этилади.

	Публичная Оферта индивидуального страхования жизни заёмщика	
ALI 04		Стр. 10 из 10 От: «14» февраль 2025 г.

12. РЕКВИЗИТЛАР

“APEX LIFE INSURANCE” АЖ

Манзил: Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани,
Паркент кўчаси, 26А
Тел.: +998 71 209 77 66
Р/с 2020 8000 0050 7599 5001
Банк: ЧАКБ «Invest Finance Bank» ОПЕРУ
МФО 01041
СТИР: 306 416 877